

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1498-ҳадис

1498 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ مِنْ دُعَاءِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ زَوَالِ نِعْمَتِكَ، وَثَحُولِ عَافِيَّتِكَ، وَفُجَاءَةِ نِفْمَتِكَ، وَجَمِيعِ سَخَطِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ . [2739]

1498. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларидан бири мана шу эди: «Аллоҳумма, инний аъузу бика мин заваали ниъматик, ва таҳаввули ъафиятиқ, ва фужаа'ати ниқматик ва жамиъа сахотик».

* Маъноси: «Аллоҳим! Неъматингниг заволидан, оғиятнинг ёмонликка ўзгариб кетишидан, қўққисдан келувчи азоб-уқубатингдан ва ғазабингга сабаб бўлувчи жамики нарсалардан паноҳ сўрайман».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дуода, борлиги ва йўқлиги инсонни паришон қилган икки нарсадан Аллоҳ номи билан паноҳ тиламоқдалар.

Инсонга берилган энг катта неъмат, Ислом ва иймон неъматидир. Бу неъматнинг йўқлиги инсон учун катта фалокатдир. Дунё ва охиратда паришон бўлиши демакдир. Бошқа неъматлар булардан кейин келади. Бу таъбир ҳар турли неъматларни ўз ичига олади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзи билан айтадиган бўлсак «неъматнинг заволи», унинг йўқ бўлиб кетишидир.

Оғият дунё ҳамда охират билан алоқали бутун яхшиликларни ўз ичига олган теран бир сўздир. Шунинг учун инсонлар бир-бирига оғият тилайдилар. Фақат биз бу сўзни кўпроқ дунёвий неъматлар учун қўллаймиз. Дунёда оғиятнинг йўқолиши, инсон соғлом экан касал бўлиши, бой бўлиб юргач фақир бўлиб қолиши каби нарсаларга йўлиқишидир.

Қўққисдан келадиган фалокат секин, секин келган фалокатдан оғирроқдир. Фалокатнинг секин, секин келиши инсонни у нарсага тайёрлайди, таянчини оширади. Кутилмаган фалокат эса инсонни қўққисдан йиқитиб қўяди.

Аллоҳнинг ҳар турли ғазаби, юқорида айтилганларнинг мазмуни кабидир. Чунки неъмат бўлмаса оғият ҳам бўлмайди. Бир фалокатнинг қўққисдан келиши Аллоҳнинг ғазаби бўлиб, инсон учун бир фалокатдир. «Жамики ғазабингдан паноҳ тилайман» деган кимса Раҳмоннинг марҳаматига сифиниб ва Унниг ҳимоясига бўлган муҳтожлигини ошкоралаган бўлади.

Аллоҳнинг ғазабидан қочиб қутилиш учун бирор ер йўқ. Ундан қочсак ҳам яна борадиган жойимиз Уннинг раҳматидир. Шу фоний дунёда ягона орзуимиз Жаноби Ҳақнинг розилигига эришиш бўлиши керак.

Манба: hadis.islom.uz

